

Meros

№ 2/2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Каримова С. Абу Райҳон Беруний “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” асари форсча таржимасининг қўлёзмалари ҳақида..... 3
Абдуҳалимов Б. Образцы залоговых документов из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 11
Тошов Н. Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” ва Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асарлари қиёсий тадқиқи 16
Бўриев О. Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма..... 26
Якубов Қ. Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили ……..... 30

ТАРИХШУНОСИК

Алимова Д. Некоторые вопросы историографии социально-экономических отношений древнего и античного периодов Узбекистана..... 45
Абдурасулов Х. Мясная торговля в Туркестанском генерал-губернаторстве во второй половине XIX – в начале XX века 59

АРХЕОЛОГИЯ

Шомукарамова Ф. Тасодифий топилмалар – Туркистон археологиясининг дебочаси..... 69

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ходжаева Р. Аллома Имом Замахшарий мақомаларининг маънавий-эстетик хусусияти ва тарбиявий аҳамияти..... 82
Эшонова С., Зокирова Д. Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида 88

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Конфуцианские традиции в Южно-Корейском обществе..... 100
Каримова Н. «Сиюй шуйдао цзи» Сюй Суна, как особый вид сочинений по исторической географии Центральной Азии второй половины XVIII века 108
Акрамова Ш. Стратегия Дэн Сяопина по модернизации Китая 117

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
Илмий кенгашининг 2022 йил 26 октябрдаги 6-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

--.--.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 8,25. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: -- . ЎзРФА “Фан” нашриётида нашр этилди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Р. Ходжаева

Аллома Имом Замахшарий мақомаларининг маънавий-эстетик хусусияти ва тарбиявий аҳамияти

“Хоразм фахри”, “Араблар ва ажамлар устози”, “Жоруллоҳ” (“Аллоҳнинг қўшниси”) каби фахрли номларга мушарраф бўлган имом Замахшарий ўрта аср мусулмон тамаддунининг энг ёрқин сиймолари сафига киради. Аллома нафақат бетакрор илмий китоблар ёзди, балки адабиёт соҳасида ҳам арабийзабон адабиёт хазинасидан муносиб жой эгаллаган бир қатор ажойиб асарлар яратди. Афсуски, ўзбек шарқшунослигида бу борадаги ижоди камроқ ўрганилган ва таржима қилинган. Фақат арабшунос олим Убайдулло Уватов томонидан “Навабиғ ал-калим” (“Нозик иборалар”) асари ўзбек тилига ўгирилган [1: 142–169]. Шундай асарлар ичида бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонган ва араб адабиётининг шоҳ асарларидан ҳисобланган ”Мақамат Замахшарий” (“Замахшарий мақомалари”) асари алоҳида ўрин тутади. Асар тўплам шаклида бўлиб, ўзига 50 мақомани қамраб олган. “Мақома “сўзи истилоҳга айланиб турли маънолар касб этиб, қароргоҳ, мажлис маъносида ишлатилди. X асрга бориб кичик насрий жанр сифатида ибратли суҳбат, ваъзхонлик маъносида қўлланган бўлса, кейинроқ дарбадар фирибгар саргузаштларини баён этувчи ҳикоя сифатида танилди. Унинг қахрамони асосан ўқимишли, сўзга чечан, бошпанасиз одам бўлиб, у турли қалтис, кўнгилсиз вазиятларга тушиб қолади ва улардан макри ва сўзамоллиги, уддабуронлиги туфайли қутилади. Мақама жанрининг энг машҳур муаллифлари бу Бадиуззамон Хамадоний (969–1008), Абу Муҳаммад Қосим Ҳаририй (1054–1122) ва Маҳмуд Замахшарийлардир (1075–1144). Аммо Замахшарий мақомалари Хамадоний ва Ҳаририй мақомаларидан бирмунча фарқ қилади. Уларда саргузаштлик, маккорлик мавзулари йўқолиб, тарбиявий ваъзхонлик унсурлари кучаяди. Аммо мақомалар билан яқиндан танишган тадқиқотчи уларда қуруқ насиҳатгўйлик билан

эмас, балки ўй-ҳислар билан тўлиб-тошган, адибнинг ҳассос юрагидан жой олган ва қоғозда муҳрланган диёнатга, ҳаётга, шахсиятга бўлган муносабатлар билан танишади, мақомаларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етади. Замахшарийда мақома ёзиш мотивацияси ўзгарган, асосий мақсади кўнгилочар асар яратиш эмас, балки диёнатли инсон, бир томондан ислом рукнларига амал қилувчи, иккинчи томондан асрлар давомида инсоният тажрибасидан келиб чиққан юксак қадриятларга жавоб берувчи ҳақиқий мусулмонни тарбиялаш эди. Ижодий ниятини амалга ошириш учун Замахшарий ўзига хос услуб танлаган: мақомаларда гўё ҳаёт синовларида чиниққан ва тажрибаларидан ўтган кекса адиб энди ўттиздан ошган Абулқосим Замахшарийга мурожаат қилиб, унга Ҳақ йўлидан кетишда маслаҳатлар беради, хатарлардан ва хатолардан огоҳлантиради, ўргатади ва баъзида танқид остига олади. Насиҳатларининг таъсирини кучайтириш мақсадида матнга қисқа ибратли ҳикоялар, шеърлар, мақол ва маталлар, ҳикматли иборалар – афоризмлар киритилган.

Замахшарий фикрича, мусулмон киши тақво билан бирга маърифат эгаси бўлиши керак. Адиб ақл-заковатнинг ўрнини юқори қўяр, билим олишга, маърифатли бўлишга даъват этади. Масалан "Ридвон мақомасида" адиб бу жиҳатга шундай баҳо беради:

سبحان الله . ای جو هرة کریمة اولیت.و بای لؤلؤ یتیمة حلیت و هی عقلك لیعقلك.

"Субҳаналлоҳ! Қандай кароматли гавҳарга сен эгасан ! Сен қандай нодир дурдона билан безатилгансан! Бу сени доно қилувчи ақлинг" [4: 25].

Замахшарий мақомаларида адибнинг шахсий ҳаётидан шахсий кайфият белгилари ва шахсий тажриба аломатлари сезилади. Бу таассуротнинг пайдо бўлиши ва кучайиши адибнинг мақомаларда ёш Абулқосим Замахшарийга, яъни ўзига қаратиб ҳар сафар риторик мурожаат (бадиий ундалма) ишлатилиши ва муайян кайфият яратишдан бошланади. Масалан, "Зуҳд" мақомасида бундай ундалма нафақат нутқни безайди, балки муайян ҳиссий муносабат яратади:

یا ابا القاسم ما لك لا ترفض هذه الفانیة رفضا.ؤ لاتنفض یدیك عن طلبها نفضا. ا لم تر کیف ابغضها الله و ابغضها انبیاؤه ."

"Эй, Абулқосим! Сенга не бўлди? Бу фоний дунёдан ҳеч воз кеча олмаяпсан, у томон қўл чўзишдан тўхтамайсан. Шу пайтгача Аллоҳ ва унинг набийлари уни қанчалик хуш кўрмаганлигини кўрмадингми?" [4: 33].

Замахшарий ўз қаҳрамони Абулқосимни турли вазиятларда ва муносабатларда кўрсатади. Албатта, биринчи навбатда бу

муносабатлар уни диний эътиқодига содиқ бўлиши билан боғлиқ. Мақомалардан қаҳрамоннинг атрофидаги ижтимоиий муҳитга муносабатини ҳам кузатамиз, дунёқараши билан танишамиз, фазилатлари ва камчиликларини ажратиб оламиз ва ниҳоят, уни мусулмон кишиси сифатида такомиллашуви учун адиб томондан олдига қўйилган талабларни кўриш мумкин. Замахшарий фикрича, мусулмон киши биринчи навбатда, меҳнаткаш ва сабр-тоқатли бўлиши, солиҳ ишларга қўл уриши лозим:

و ناد ها الى العمل الرافع و الكلم الصاعد.والجمهاعما يكلم دينها و يثلم يقينها

“Уни (кўнгилни) юқорига кўтарувчи (солиҳ) ишларга ва (ҳузури сари) чиқувчи (ёқимли) сўзларга ундагин. Динига ва эътиқодига путур етказадиган нарсалардан уни сақлагин [4: 19]. Ушбу жумлада адиб Қуръони Каримдаги “Фотир” сурасининг 10-оятига ишора қилганини кўрамиз: “Ҳар бир ёқимли сўз Унинг ҳузури сари чиқур. Солиҳ амални эса, (Аллоҳ Ўз даргоҳига) кўтарур” [4: 35:10].

Мақомаларда Қуръони Каримдан олинган шунга ўхшаш ишоралар, иқтибослар келтириш, тимсоллари ва ривоятларидан фойдаланиш ҳолатлари жуда кўп учрайди. Айниқса, яхшилик (ислом дини рукнлари) ва ёмонлик (шайтон кирдикорлари) ўртасидаги тўқнашув алоҳида аҳамият касб этади. “Тавба” мақомасида адиб ёш, лирик қаҳрамонни ёмонликлардан огоҳлантиради: “Эй, Абулқосим! Шаҳватинг уйғоқ. Ухлат уни! Ёшлигинг фурсатдир, бой берма .... Эҳтиросларингга берилиб, шайтон кирдикорларига ишониб, унинг кетидан боришга эҳтиёт бўл! У сени йўлдан уради. Васвасага дучор қилади. Афсусланишга вақт қолмайди” [4: 29]. Китобхон назарида бундай эҳтиросли мурожаат Абулқосимга таъсир кўрсатиши лозим эди, аммо мақоманинг ниҳояси бундай хулоса чиқаришга имкон бермайди, чунки адиб суҳбатдошига афсусланиб дейди :

و العجب من نفسك أنها تستلذ الوقوع فيها .و ان لم ترج الخلاص منها

“Лекин ажабо, бу кўнглингдан, ўша (шайтон кирдикорлари ҳийласига) тушганига, агар улардан халос бўлишни истамаса” [4: 29].

Назаримизда, имом Замахшарий мақомасига шундай хотима бериб, ҳақиқий чин эътиқодли мусулмон бўлиб етишиш осон иш эмаслигини яна бир бор таъкидламоқчи бўлган, чунки ёш авлод олдида ҳидоят йўлидан оздирадиган ўнлаб балолар мавжуд. Шунинг учун адиб баъзида Абулқосимга таъна ўқини ёғдиради: “Ҳақнинг пардалари кўтарилди, унинг нурлари порламоқда. Лекин нега кўнглинг бузилган, Ҳисларинг кибрга берилган. Қани билсам эди, нимадан бу заифлигинг” [4: 22]. Баъзида эса адиб ибратли ҳикоялар келтириб, қаҳрамонини тўғри йўлга солади. Масалан, “Зуҳдлик”

мақомасида умавийлар сулоласидан чиққан халифа Язид ибн Абдулмалик ибн Марван қиссасини баён қилиб, уни аянчли ҳолатга тушганини ибрат қилади. Бу халифа 720–724 йиллари Дамашқда ҳукм сурган, лекин айш-ишратга берилиб халифалик ишлари билан мутлақо шуғулланмасдан тез вафот этган. Бу қиссага адиб батафсил тўхтаган бўлса, бошқа қиссаларда фақат қаҳрамон номини зикр этар экан, бунда талмеҳ санъатини қўллайди. Қиссалар, шеърлар (кўпинча ўзиники), мақол, маталлар ва бошқа бадиий унсурлар мақомаларни безайди, уларга кўнгил очар тус беради. Мақомалар сажъда ёзилган. Эътироф этиш жоизки, бу лафзий санъатда Замахшарийга тенг келадиган йўқ. Мақомаларда сажъ жуда катта маҳорат билан ишлатилган, матнда унинг турли кўринишларини учратамиз. Замахшарийнинг мақомалари деярли қисқа, лўнда, баъзилари бир саҳифани ташкил қилади. Мақомаларда риторик мурожаат, риторик саволларни кўп ишлатилиши нутқни безаш ёки ҳиссий муносабат билдириш вазифасини ўтайди. У араб поэтикасининг араблар тан олган тенги йўқ катта билимдони: ўз асарларида тажнис, тазод, таврия, истиъора, ташбеҳ, мажоз ва бошқа санъатларнинг турли навларидан бемалол ва юксак даражада маҳоратли фойдалангани яққол кўзга ташланади. Ижодининг бу қирраси, албатта, ўзбек арабшуносларидан алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Шундай қилиб, Замахшарий сиймосида биз бир вақтнинг ўзида буюк олим ва буюк адиб тимсолини кўрамиз. Бизгача унинг шеърий девони ҳам етиб келди. Мўғуллар истилосидан олдин Хоразмга келган араб олими Ёқут Ҳамавий ўзининг машҳур “Муъжам ал-удабо” (“Адиблар луғати”) номли асарида Замахшарийни забардаст шоир сифатида тақдим этади ва шеърларидан намуналар келтиради:

Илм – раҳмондан тарқалган нурдир,
Жаҳолат – ғам-ғусса манбаидир [2: 74].

Аллома имом Замахшарий ўз адабий ижодини ҳақиқий комил инсон тарбиялашга, уни такомиллашувига қаратди. У солиҳ мусулмон кишисида динга ва одамларга нисбатан содиқлик, нафсни тийиш, сабр-тоқат, билимдонлик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилди ва аксинча, шошқалоқлик, сабрсизлик, эътиқодда мустаҳкам бўлмаслик, руҳий заифлик, лоқайдлик каби салбий хислатларни қоралади. Унинг асарлари нафақат Марказий Осиё, балки бутун араб-мусулмон олами халқларининг маънавий-ижтимоий онгини ва эстетик дидини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмадлар). 1-китоб. / Нашрга тайёрловчи акад. М.М.Хайруллаев. Тошкент, 1995.
2. Исроил Э., Эшмурадов М. X–XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида. Урганч, 2005.
3. Қуръони Карим ва маънолар таржимаси. Абдулазиз Мансур таржимаси. Тошкент, 2019.
4. ابو قاسم محمود بن عمر الزمخشرى. مقامات الزمخشرى. بيروت، لبنان. 1982.

Р. Ходжаева

Аллома Имом Замахшарий мақомаларининг маънавий-эстетик хусусиятлари ва тарбиявий аҳамияти

IX–XII асрларда Марказий Осиё минтақаларидан Мавароуннаҳр ва Хоразм ўлкаларида араб тилидаги ижоднинг юксалиши кузатилди. Ушбу минтақаларда ривожланган бой арабийзабон адабиёт мусулмон оламида рўй берган маданий юксалиш – мусулмон Шарқи Ренессансининг биринчи босқичига замин яратди ва мусулмон халқларининг маънавий-ижтимоий фикри ривожига катта таъсир кўрсатди. Алломалар Абу Бакр Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абулқосим Маҳмуд Замахшарий ўз фаолияти давомида илмий ва адабий ижодни бирга олиб бордилар, иккала соҳада ҳам бетакрор асарлар яратдилар. Араб тилида ёзилган бадиий асарлар араб адабиётининг олтин заҳирасига кириб, унинг салмоқли қисмини ташкил қилди. Мақола шундай асарлардан имом Замахшарийнинг “Уммаҳат кутуб ва турас ал-луғат ал-араби” (“Араб тилидаги асосий китоблар ва мерос”) сафига киритилган “Замахшарий мақомалари” асаридаги мақомаларни таҳлилга тортади ва бу адабий ёдгорликдан жой олган маънавий-ахлоқий қадриятларга тўхталади. “Замахшарий мақомалари” каби араб тилидаги адабий ёдгорликлар мусулмон халқларининг маънавий-эстетик дидини чархлашда катта роль ўйнаб келди ва жаҳон адабиёти жараёнида муносиб ўрин эгаллади.

Калит сўзлар: *мақома, арабийзабон адабиёт, ислом тамаддуни, маънавий-бадиий мерос, исломий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, адиб, олим.*

Р. Ходжаева

Духовно-эстетическая особенность и воспитательное значение макамов великого мыслителя Махмуда Замахшари

Культурный подъём в IX-XII вв. в Центральной Азии и во всём ареале мусульманского Востока способствовал расцвету литературного творчества на арабском языке. Мыслители Центральной Азии внесли большой вклад в этот подъём, получивший название «Мусульманский Ренессанс». Такие учёные региона, как Абу Бакр ал-Хорезми, Ибн Сина, Абу Райхан ал-Беруни, Махмуд аз-Замахшари успешно сочетали в своём творчестве научные изыскания с литературной деятельностью и создавали неповторимые труды в обеих областях. Эти труды сыграли большую роль в становлении духовно-общественной мысли и эстетического сознания народов мусульманского Востока. Именно к таким произведениям относится литературный труд имама аз-Замахшари «Макамы аз-Замахшари», которого арабы считают «основой книг и наследия» на арабском языке. В настоящей статье рассматриваются макамы аз-Замахшари с точки зрения органического сочетания в них исламских и общечеловеческих ценностей, переедающие духовные идеалы своего времени и формирующие эстетический вкус. Литературные произведения подобные «Макамам аз-Замахшари» имели большое значение не только для арабо-мусульманской цивилизации, но и для всего мирового литературного процесса.

Ключевые слова: *макам, арабоязычная литература, исламские цивилизация, духовное-художественное наследия, исламские ценности, человеческие ценности, литератор, учёный.*

R. Khodjaeva

Spiritual and aesthetic feature and educational value of maqams of the great thinker Mahmud Zamakhshari

The cultural upsurge in the 9th–12th centuries in Central Asia and throughout the area of the Muslim East contributed to the flourishing of literary creativity in Arabic. Thinkers of Central Asia have made a great contribution to this rise, which has been called the Muslim Renaissance. Such scholars of the region as Abu Bakr al-Khwarizmi, Ibn Sina, Abu

Rayhan al-Biruni, Mahmud az-Zamahshari successfully combined scientific research with their literary activity and created unique works in both fields. These works have played a major role in the formation of spiritual and social thought and aesthetic consciousness of the peoples of the Muslim East. The literary work by Imam az-Zamahshari “Maqamat az-Zamahshari” belongs to such works which are considered “the basis of books and heritage” by the Arabs. In this article, the maqams by az-Zamahshari are viewed from the point of an organic combination of Islamic and universal values in them, conveying the spiritual ideals of their time and forming aesthetic taste. Literary works like “Maqamat az-Zamahshari” played great importance not only for the Arab-Muslim civilization, but also for the entire world literary process.

Key words: *maqam, Arabic literature, Islamic civilization, spiritual and artistic heritage, Islamic values, human values, writer, scientist.*

С. Эшонова
Д. Зокирова

Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида

Қўқон хони, шоҳ ва шоир Амир Саййид Муҳаммад Умархон (1787–1822; ҳукмронлик йиллари 1810–1822) ташаббуси билан ташкил этилган Қўқон адабий муҳити ўзбек адабиёти тарихига кўплаб истеъдодли ижодкорларни етказиб берган. Амир Умархон ҳукмронлик даврида шоирлар, тарихчилар, илм ва санъат аҳилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган, араб, форс тилларидаги кўплаб асарларни ўзбек тилига таржима қилдирган, зийнатли шаклда кўчиртирган. XIX аср I ярмида бу муҳитда асосан, девон тузиш, тазкиранавислик, назирагўйлик, қасидагўйлик, достоннавислик, тарихнавислик, зуллисонайнлик анъаналари муваффақиятли давом эттирилган [14: 7]. Кўпгина ижодкорлар нафақат шоир, адиб, балки тарихнавис ҳам бўлганлар. XIX аср II ярмидан бошлаб ёзилган шеърларда мумтоз анъаналар билан бирга Чор Россияси, шўролар тузуми давридаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар ҳам ўз аксини топган [14: 7–8; 2: 113]. Матбаачилик, айниқса, мазкур даврдан чиқа бошлаган газета ва журналлар нашрининг тараққий этиши адабий ҳаётда янги даврни бошлаб берди. Улардаги мақола ва шеърларда ижодкорларнинг ижтимоий ҳаётга нисбатан муносабатлари, ижтимоий бадиий фаолиятлари ифодаланган бўлиб, улар ҳам давр